

Соҳанинг илмий-техникавий салоҳияти



Иновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар VI Республика ярмаркасида ахборот технологиялари йўналишида бир қатор фойдали ишланмалар намойиш этилди

Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши илмий-техника тараққиётининг етакчи роли ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва асосан ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларида интеллектуал фаолият натижаларини қўллаш асосида таъминланади.

Бу йўлни амалга оширишнинг асосий мақсади ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг технологик даражаси ва рақобатбардорлигини ошириш, инновацион маҳсулотнинг ички ҳамда ташқи бозорларга чиқишини таъминлаш, ички бозорда импорт қилинадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан алмаштириш, экспертга йўналтирилган иқтисодиёт тузилмасини шакллантириш ҳисобланади.

Ҳар йили ўтказиладиган Иновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси илмий-тадқиқот натижалари жорий этилишини рағбатлантириш фан ва ишлаб чиқариш узвийлигини таъминлашнинг асосий механизмларидан бири бўлиб қолди. 24-26 апрел кунлари ўтказилган олтинчи ярмарка ҳам шу мақсадларга хизмат қилди.

2-3-бетлар



Алоқа оламида

Испаниянинг унча катта бўлмаган Geeksphone фирмаси жаҳонда биринчи бўлиб Firefox OS ўрнатилган смартфонлари (Keon ҳамда Peak)ни тақдим этди.



Keon: процессор — Qualcomm Snapdragon 1 ГГц; амалий хотираси — 512 МБ, хотираси — 4 ГБ + microSD; 3,5 HVGA-экран; 3 Мп.ли камера. Аккумулятор — 1580 мАч. Интерфейс: Wi-Fi, Bluetooth 2.1 EDR, GPS ва MicroUSB. Нархи — \$119.

Peak: процессор — икки ядролу Qualcomm Snapdragon 1,2 ГГц, амалий хотираси — 512 МБ, хотираси — 4 ГБ + microSD; 4,3 IPS-дисплей, 8 ва 2 Мп.ли иккита камера. Аккумулятор — 1800 мАч. Интерфейс: Wi-Fi, Bluetooth 2.1 EDR, GPS ва MicroUSB. Нархи — \$194.

Сўнги янгилик!

Ушбу сонда:

- Тараққиёт — мамлакат ривожига хизмат қилади **4**
- Худудларда АКТни ривожлантириш муаммолари **5**
- Встреча с представителями компании HUAWEI **6**
- Усталар учун ўқув-семинар **12**
- Тарғибот ишлари муҳим **15**
- Маърифат боғи **16**

Теледастурлар, спорт, сканворд

**Jumadan
Jumagacha**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 апрел куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Жауубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди. Сухбат асосида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги ҳозирги вазият юзасидан фикр алмадилар.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

2013 йил 23 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлигига ҳамда шу йил 18 январда республика ҳукумати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Полша Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Марек Ямрогвич раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров билан учрашди. Учрашув яқунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Полша Республикаси Бош прокуратураси ўртасида прокуратура органларининг ҳамкорлиги тўғрисида меморандум имзоланди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, Республика Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судида ҳам музокаралар ўтказди.

Тошкентда 23 апрел куни "Central Asia 2013 — Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари" мавзусидаги еттинчи халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда бошқа қатор идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган маъмур анжуманида Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Хитой, Россия, Украина, Озарбайжон, Эрон, Қозғонистон каби ўндан зиёд мамлакатдан қирқдан ортиқ соҳа вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

Қашқадарё вилоятида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)
ЯРМАРКА ҲАМ ЎЗИГА
ХОС ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ**

Аввал ўтказилган ярмаркалар тажрибасининг кўрсатишича, корхоналар ва илмий тадқиқот ташкилотлари ўртасида мустахкам кооперацион алоқалар ўрнатилишини таъминловчи бундай тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳам ўзига хос янги технологиядир.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг илмий ва инновация фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ўта муҳим қарорлари қабул қилинди. Натижада, амалий тадқиқотлар билан хўжалик шартномалари асосида шуғулланувчи илмий корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилди, давлат улushi бўлган қатор йирик корхоналарда инновациялар ўзлаштирилишини таъминловчи бўлимлар ташкил этилди.

Бу йилги ярмарка тўпланган бой тажриба асосида ташкил қилинди. Унда беш йўналишда, 500дан ортиқ лойиҳалар намойиш этилди.

Ярмаркада тақдим этилаётган ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жаҳон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратиш имконини беради.

БОШ МАҚСАД

Мутахасссларнинг эътирофи, ярмарканинг бош мақсади илмий ҳажмдор, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши, шу жумладан, кичик инновацион тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; республиканинг илмий салоҳиятидан мамлакатнинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда самарали фойдаланиш; корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, инновация фаолиятини кенгайтириш учун инвестицияларни жалб қилишга қўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, бу — иқтисодиётнинг реал сектори рақобатбардошлигини оширишга илмий-техник салохиятнинг қўшиладиган хиссасини қўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, экологик вазиятни ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигини таъминлашда яққол намоён бўлади.

**АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ЙЎНАЛИШИ**

Ярмарка бешта: саноат; кишлоқ хўжалиги; фармацевтика ва соғлиқ-



Соҳанинг

Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар



ни сақлаш, ахборот технологиялари, фан ва таълим йўналишларида иш олиб борди.

Ишланмалар орасида ахборот технологиялари соҳасидаги 30дан ортиқ лойиҳалар кўргазмага ташриф буюрувчиларнинг алоҳида эътиборида бўлди. Бу безжиз эмас, албатта. Ахборот технологиялари йўналишида олиб борилаётган изланишлар, инновацион гоёлар ўзининг оригиналлиги ва бугунги кун талабидан келиб чиқиб яратилгани учун кўпчилик ярмарка давомида ўз исботини топди. Ушбу йўналиш стендлари жойлашган бўлимдан ташриф буюрувчилар қатори узилмади.

Бу йилги ярмаркада намойишга қўйилган янги ва қизиқарли лойиҳалар ҳақида Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти раиси ўринбосари Муҳсин МУҲИДДИНОВ куйидагиларни сўзлаб берди:

— Ушбу кўргазмада соҳамиз корхона ва ташкилотлари бугунги кун учун энг долзарб, татбиқ этилиши

айни пайт учун ўта муҳим бўлган қатор ишланмалари билан қатнашяпти. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ўз-ўзидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқишга, республикамиз валюта захираларини тежашга замин ҳозирлайди. Таъкидлаш керакки, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган янги қурилмалар сифат борасида хорижийкидан қолишмайди, бунинг устига нархи арзон. Масалан, "Unicon.uz" ДУК томонидан тақдим этилаётган муқобил энергиядан фойдаланишга доир микроконтроллер орқали бошқариладиган энергия манбаи қурилмасини олайлик. Бу ишланма Қибрай ва Зангиота туманларида синовдан муваффақлиқли ўтди, ундан почта алоқаси бўлимларида, АТСларда кенг фойдаланиш мумкин. Ҳозиргача бундай қурилмалардан 20тагига "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясидан буюртма тушган. Қувонарлиси, бу каби замон талабига жавоб берувчи ишланмаларни бошқа алоқа корхона ва ташкилотлари стендларида ҳам кўриши мумкин.

Дарҳақиқат, ярмаркани кўздан кечирарканмиз, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бир қатор эътиборга молик инновацион технологиялар ва лойиҳалар билан танишдик. Навбатдаги саҳифамизда ушбу лойиҳалар ҳақида атрофлича сўз юритамиз.

ФАКТ: Ўтказилган ярмаркалар доирасида 2000дан ортиқ инновацион гоёл ва технологиялар намойиш этилиб, умумий молиявий ҳажми 44,7 млрд. сўм бўлган 1545та шартномалар имзоланган. Натижада 480 млрд. сўм ҳажмда янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 19та янги ишланмани серияли ишлаб чиқариш бошланди. Шунингдек, 24та шартнома доирасида маҳсулотларни саноат-тажриба тарзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ИННОВАЦИЯЛАРГА СУЯНАМИЗ

Линия-кабел хўжалиги хавфсизлиги масаласи телекоммуникация ходимларини доим хушёр тортириб туради. Кабелга зиён етдими бас, алоқа узилади, бири қарашда жонсиз кўринган бу кабеллар орқали "жонли" мулкот амалга ошаётганини қайсидир пана-пасткамда кабелни кесаётган айрим кимсалар билишармикин?! Кабелларни кўз қорачиғидек асрашда "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали мутахассислари инновацияларга суянишмоқда, улар галдаги кўргазмага кўйган иккита ишланма, айниқса, диққатга сазовор. "Марказлашган химоя пулти (МХП)нинг чиқарилган концентратори қурилмаси" (муаллифлар: А.Абдумўминов, Ж.Арипов, Г.Бабиков) аналог телефон тармоқлари билан ишлашга мўлжалланган. Мазкур ишланма химоя сигнализациясига Тошкент шаҳрининг МХП ускунасига эга бўлмаган туманларининг ЭАТТ объектларини, чиқарилган концентраторларни ва рухсат этилган мультисервис тармоқлар (MSAN)ни улаш имконини беради. Бу қурилма онлайн тартибда объектлар ҳолатини назорат қилиш орқали ёнғин, намлик тушиши ёки кўриқланаётган объектга рухсат этилмаган кириш содир бўлганда шовилчиқ чора кўриш имконини беради. Республикада муқобили йўқ бу ускуна Ўзбекистон бозорларида мавжуд микроэлектронлардан йиғилган.

Иккинчи қурилма филиал мутахассислари — Х.Хидоятлов ва А.Нурбаевлар томонидан ишланган бўлиб, "Кабел муфтларининг намлигини аниқловчи датчик"дир. Намлик — кабелнинг "душмани". Намликдан зарар кўрган кабелни тезкор аниқлаш имконини берувчи бу қурилманинг афзалликларидан бири унинг арзонлиги ва осон тайёрланишидир.



ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ САЛОҲИЯТИ

VI Республика ярмаркасида ахборот технологиялари йўналишида бир қатор фойдали ишланмалар намойиш этилди

ВИДЕОКУРСЛАР ЎҚИТИШНИНГ ЭНГ ТЕЗ ВА САМАРАЛИ УСУЛИ

— дейди "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали инновация хизмати бошлиғи Шухрат ШАРИПОВ. — Бугунги кунда бу каби дарсларнинг аксарияти монитор экранидан ёзиб олинмоқда. Видеокурслар аниқ тизимга келтирилган бўлиб, айрим дарсларни кўнгилдагидек ўзлаштира олмаган тингловчилар ўзлари учун зарур ахборотни хоҳлаган пайтларида қайта ўқиб чиқиш имкониятига эга бўладилар. Телекоммуникация бўйича видеокурслар бир неча бўлимларга, бўлимлар эса мавзуларга ажратилган. Бу жуда қулай. Тингловчи ўзи учун керакли маълумотни тез ва осон топади. Энг асосийси, дарслар босқичма-босқич тамойилда яратилган бўлиб, маълум мавзу ўзлаштирилгандан сўнггина кейингисига ўтилади. Яна бир аҳамиятли томони, видеокурслар ўзбек тилида яратилади.

Видеокурслар яратиш лойиҳасини турли ўқув марказлари ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қўллаш мумкин. Ҳозирги кунда ишлангани тажрибадан ўтказиш учун филиалнинг локал тармоғида алоҳида сервер ўрнатилган бўлиб, унда PHP дастурий воситаси (Apache) ва MySQL маълумотлар базаси ўрнатилган.



Тўғри ёзамиз!

Компютерда матн билан кўпроқ ишловчилар, жумладан, қаламқашлар, электрон почта орқали ўзаро хат-хабар алмашувчилар доим бир муаммодан қийналишади: нега бошқа компютердан келган матнларни бизнинг компютеримиз "тўғри ўқмайди". Ёки бўлмаса, матн теришдаги доимий хунобликларни айтмайсизми: харфлар ўзгариб кетаверади, "Ўзбекча" харфлар (ў, қ, ё, ҳ)ни негадир компютер инкор этаверади. Ахир бошқа тилларда компютер учун мусаххих дастурлари бинойидек ишлаб турибди-ку! Бошқа касбларда қандай билмадигу аммо бу биз — журналистлар учун вақтни йўқотишдан бошқа нарсасиз эмас. Кўргазма дастурига кўза югуртирарканмиз, "Ўзбек тили матнларидаги имловий хатоларни гипертармок асосида назорат ва таҳрир қилиш тизими" эътиборимизни тортиди ва унинг тақдирини ўтказётган Самарқанд Давлат университети механика-математика факултети амалий математика ва информатика йўналиши ассистенти Суннатилло ХОЛМОНОВни суҳбатга тортидик:

— Тизим факултетимиз мутахассислари — А.Ахатов ва И.Жумановлар томонидан тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасида рўйхатдан ўтган. Тизимдан компютер фойдаланувчилари электрон хужжат алмашинуви жараёнида матнли маълумотларни автоматик қайта ишлаш, таниш ва узатишда қўлланилади. Мазкур тизим лотин графикасига асосланган бўлиб, .txt, .rtf, .doc, .xls, .mdb ва бошқа форматлардаги, Windows мухитида тайёрланган матнли файллар билан ишлашни таъминлайдиган дастурий кутубхона синфлари амалга оширилган. Матнларни форматдан форматга ўгириш, матн элементларини мансуб синфларга ажратиш кўзда тутилган. Хатоларни лутатли ва лутатсиз назорат қилиш алгоритмлари CUDA тизими модулларида асосланган.

Do you speak english?

Хориж тилларини, хусусан, инглиз тилини билиш, таъбир жоиз бўлса, бизга жаҳон эшикларини, илм эшикларини очмоқда. Замон билан ҳамнафас фаолият юритаётган Мултимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (ЎзР ХТВ) ахборот-таълим порталида Юрбошимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида хорижий тилларни ўрганишга доир электрон ресурсларни жойлаштириб бориш учун алоҳида бўлим очилди.

Сарвар МЎМИНОВ (МУДРМ ривожлантириш ва тадқиқотлар бўлими бошлиғи):

— Энг сўнги қилинган ишлар сифатида беш хил инглиз ва икки хилдан немис ва француз тилларидаги электрон ўқув-қўлланмаларини айтиб ўтиш мумкин. Ҳозир республикамиздаги 500га яқин мактабга бу дарсликлар тажриба учун юборилган бўлиб, синов жараёнидан ўтатишти. Шунингдек, масофавий таълим, виртуал лаборатория, интерактив ўқишлар, мултимедиа таълим ресурсларидан фойдаланишни истиаганлар ХТВнинг расмий веб-сайти (www.uzedu.uz) ахборот-таълим портали (www.eduportal.uz) ҳамда марказнинг расмий (www.multimedia.uz) сайтларига таширф буюришлари мумкин.

IP TV — КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ТЕХНОЛОГИЯ

Мазкур кўргазмада IPTV технологияси бўйича видеотелефония хизмати кўрсатиш имкониятларини намойиш қиляпмиз, — дейди "Ўзбектелеком" АК "Бизнесни ривожлантириш маркази" филиали мутахассиси Шахзод МАГДИЕВ. — Бунга кўра, фойдаланувчи теледастурни кўриш баробарида видеокўнғирокни амалга ошириши ёки ўзи қабул қилиши мумкин. Умуман олганда, IP-телевидение келажаги порлоқ технология эканлигини бу хизматга уланаётган мижозлар сони ошиб бораётгани ҳам исботлаб турибди. Жумладан, ушбу кўргазмада янги хизматимизга катта қизиқиш билдириляпти.



PS:

Кўргазма доирасида соҳа қорхона ва ташкилотлари томонидан кўпгина инновация ва ихтиролар тақдим этилди ва мутахассис ва таширф буюрувчиларнинг муносиб баҳосини олди. "Unicon.uz" ДУКнинг қамқувват талаб этувчи қурилмалар учун қўш термогенераторлари ҳамда маълумотларни йиғиш ва узатиш универсал қурилмаси, телефон линиялари (NGN)ни автоматлаштирилган назорат қилиш бўйича янги технологияси ва электрон лутатлари, ТАТУнинг "Экологик лойиҳа" дастурий мажмуаси ҳамда "Рақамли телевидение" дарсликларини ва бошқа кўпгина ишланмалар ҳадемай амалиётда кенг татбиғини топишига ишонамиз ва бу жараёнларни газетамиз саҳифаларида ёритиб борамиз.

Қўшсаҳифа материалларини Лутфилло ТУРСУНОВ ва Собит АҲАДОВлар тайёрлашди

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ҳайъатининг 2013 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши Тошкент ахборот технологиялари университетининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Мажлис видео ва аудио селектор орқали жойларга узатилди.

Мажлисни Ҳайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди ва кун тартибидagi асосий масала — 2012 йилнинг биринчи чорагида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарини ижтимоий-иктисодий ривожлан-

тириш якунлари ва иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида сўз юритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соҳага тошirilган вази-фалар ижросини ўз муддатида бажа-

риш юзасидан амалга ошириладиган ишларни жадаллаштириш, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада ривожлантириш ва корхоналарнинг барқарор ишлаши мақсадида тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини, пенсия маблағларининг сақланиши ва ўз муддатида етказили-шини таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, захира масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, коллеж би-

тирувчиларини иш билан таъминлаш, "Обод турмуш йили Давлат дастури" да соҳа бўйича белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга оширишни тезлаштириш лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари А.Файзуллаев ҳисобот даврида амалга оширилган ишларга тўхталиб, атроф-лича таҳлил қилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизими-даги компаниялар, жамиятлар ва кор-хоналар томонидан ахборот-коммуни-кация технологияларини ривожланти-ришга оид ҳукумат қарорлари билан белгиланган дастурлар ва тадбирлар-нинг бажарилишини таъминлаш бўйи-ча тегишли ишлар олиб борилиб, ижо-бий натижаларга эришилди.

Тараққиёт — мамлакат ривожига хизмат қилади

▶ 2013 йилнинг биринчи чорагида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан 857,6 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлиб, бунда ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,3 фоизни ташкил қилди. Шу жумладан, аҳолига 528,5 миллиард сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилиб, ўсиш суръати 19,4 фоиздан иборат бўлди.

▶ Қўмита бўйича киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича 2013 йилнинг биринчи чорагида жами 18,50 миллион АҚШ долларини ўзлаштирилиб, режа юз фоизга удаланди.

▶ Ҳисобот даврида 2- ва 3-Халқаро коммутация марказлари жами 1 386 портга кенгайтирилди. CDMA-450 мобил алоқа тармоғини кенгайтириш бўйича жами 64та база станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди.

▶ Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги ўтган йилнинг шу даврида 5 145 Мбит/сонияни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 7 780 Мбит/сония бўлиб, ўсиш 1,51 баробарга етди. Бунинг натижасида оператор ва провайдерларга интернет-хизматлари учун белгиланган тариф йил бошига нисбатан 9,1 фоизга камайтирилди.

▶ Ҳозирги кунга келиб, биргина "Ўзбектелеком" АК бўйича xDSL ва FTTx технологиялари бўйича кенг полосали қурилмалар сими 258 966 портни ташкил этди ва 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 202,1 фоизга ошди, мижозлар сони эса 134 149тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 165,3 фоизга кўпайди.


▶ 2012 йилнинг биринчи чорагида республика аҳолисини рақамли форматдаги теледастурлар билан қамраш 37,55 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 42 фоизга етди.

▶ Жорий йилнинг биринчи чорагида режалаштирилган 39та интерактив давлат хизматидан 35таси ёки 90 фоизи ишга туширилди.

▶ ".UZ" домен зонасида доменларни рўйхатга олиш учун олти "Компютерлаштириш маркази" ДУКларга рўйхатга олиш мақоми берилди.

▶ ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган ЭРИ калитлари сертификатлари ва амалдаги калитларнинг умумий миқдори 2013 йил 26 март ҳолатига 240 326тага етган.

▶ 2013 йил бошида Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтган дастурий маҳсулотлар сони 307тага етди. 284та ЭХМ учун дастурлар ва 23та маълумотлар базаси рўйхатдан ўтказилди.



▶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда "Автоматлаштирилган пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати тизими"ни ҳамда "Ўзбекэнерго" ДАК билан ҳамкорликда "Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими"ни жорий этиш юзасидан 2012 йилда 162та алоқа объекти боғланган бўлса, ҳозирги кунга келиб 200та почта объекти, жумладан, 2013 йилнинг биринчи чорагида 38та почта объекти ушбу тизимларга боғланди.

▶ "Матбуот тарқатувчи" АК томонидан марке-тинг тадқиқотларига асосан Тошкент шаҳридаги аҳоли гавжум жойларга янги дизайндаги 12та ва вилоятларда 13та "Матбуот" дўконлари жойлашти-рилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

▶ 2013 йилнинг биринчи чораги давомида Қўмита тизимидаги корхоналар томонидан жами 2 745,9 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқари-либ, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 баробар ўсишга эришилди.

▶ Жорий йилнинг биринчи чораги якунига қадар Тошкент ахборот технологиялари универ-ситети томонидан касб-ҳунар коллежлари учун 23та фандан ўқув қўлланмалари яратилди ва коллеж-ларга тақдим этилди. Университетнинг 2013 йил жами 2089 нафар битирувчи бакалавридан дастлаб-ки тақсимот бўйича 1223 нафари соҳа корхона ва ташкилотларига, 866 нафари соҳадан ташқари корхона ва ташкилотларга тақсимланди. Магистратура бўйича жами 268 нафар битирувчи магистрнинг 169 нафари соҳа корхона ва ташкилотларига, 99 нафари соҳадан ташқари корхона ва ташкилотлар-га тақсимланди.

▶ Ҳисобот даврида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари корхоналари бўйича 1146та мурожаат тушган. Шикоятлар сони 2012 йилнинг биринчи чорагида нисбатан 30 фоизга камайган.

Ҳайъатда, шунингдек, "Ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш ва дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Шерматов, "2013 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ҳамда телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, модернизация қилиш лойиҳаларини, шунингдек, кенг полосали телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК бош директори А.Абдумунинов, "Мобил алоқа операторлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати ва мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ҳолати тўғрисида" Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси бош-лиги Ф.Умарходжаевнинг маърузалари тингилди.

Ҳайъатда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жорий йилнинг 19 апрел кунин Тошкент шаҳрида "Худудларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш муаммолари" мавзuida семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда UZINFOCOM маркази томонидан ташкил этилган мазкур семинарда республикамизнинг барча худудларидаги Компютерлаштириш марказларининг 25 нафардан ортиқ вакиллари иштирок этдилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг АКТ бошқармаси ахборот ресурсларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Азиз Мухитдинов, UZINFOCOM маркази директори Жалолиддин Рахимов, директор ўринбосари Файратхўжа Сайдвалиевлар Компютерлаштириш марказларининг фаолиятларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, худудларда АКТни жорий этиш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда ушбу ишларни амалга оширишда Компютерлаштириш марказларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш масалалари ҳақида фикр юритдилар.

Компютерлаштириш марказларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро алоқадорлиги, давлат инте-

Худудларда АКТни ривожлантириш муаммолари



рактив хизматларини жорий этиш ва тақдим қилиш, бошқарув жараёнларини автоматлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари билан ўзаро ҳамкорлиги, қўмита томонидан тақдим этилаётган хизматлар тўплами ва уларни тақдим этиш воситалари каби масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 мартдаги 64-баёни билан белгиланган тоширик ва вазифаларни ўз вақтида бажаришни таъминлаш ва бунда Компютерлаштириш марказларининг масъулиятини ошириш масалалари ҳам атрофлича таҳлил этилди.

Иштирокчилар Компютерлаштириш марказларининг ҳозирги кундаги хола-

ти, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, худудларда АКТни ривожлантириш ҳамда бунда Компютерлаштириш марказларининг ўрни ва аҳамиятига ҳам эътибор қаратдилар. Ўз фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйишга эришган айрим Компютерлаштириш марказлари вакиллари қилинган ишлар, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Эркин мулоқот тарзида ўтган семинарда вилоятларда АКТни жорий этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ муаммо ва қийинчиликлар муҳокама қилинди, Компютерлаштириш марказларини фаолиятларини ривожлантириш, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ошириш, маҳаллий ахборот ресурс-

лари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда жойларда давлат органлари томонидан тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларини ривожлантириш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

UZINFOCOM маркази етакчи мутахассиси Ваҳожон Якубов семинар қатнашчиларини "Ўзбекистон Республикаси ҳокимиятларининг ягона портали — www.hokimiyat.uz" лойиҳаси, жумладан, лойиҳанинг асослари, мақсад ва вазифалари ҳамда уни ривожлантириш истикболлари билан таништирди.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз

Кичик бизнес учун электрон харидлар

2013 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электрон харидлар тизimini мақбуллаштириш ва улардан тadbиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида"ги 1948-қарори қабул қилинди.

Қарорда белгиланган тартибга мувофиқ, 2013 йилнинг 1 майдан бошлаб:

- устам жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган табиий монополия субъектлари, давлат унитар корхоналари ва хўжалик жамиятлари айрим турдаги товар (иш, хизмат)ларни бир шартнома бўйича эквиваленти 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача бўлган миқдорда Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси (кейинги ўринларда — Товар биржаси) томонидан ташкил қилинадиган алоҳида савдо майдончасида электрон савдолар воситасида харид қилидилар;

- Товар биржаси томонидан ўтказиладиган электрон савдоларда давлат улуши устувор бўлган табиий монополия субъектлари, корхоналар ва ташкилотлар харид қиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати махсус Хукумат комиссияси томонидан белгиланади;

- Давлат улуши устувор бўлган табиий монополия субъектлари, корхоналар ва ташкилотлар товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчини аниқлаш санасидан қамида 15 календар кунидан аввал бўла-



жак харидлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, шартнома (контракт)лар тузилган кундан бошлаб 3 кун ичида буюртмаларни жойлаштириш натижалари тўғрисидаги ахборотни Товар биржасининг махсус ахборот порталида ва "Биржа" газетасида жойлаштиради.

Товар биржаси махсус ахборот порталида (www.uzex.com) буюртмаларни жойлаштириш тўғрисидаги ахборотдан, шунингдек, биржа ва биржадан ташқари бозорларда юқори ликвидли товарлар турларининг сотилиши натижалари бўйича нарх-наволар тўғрисида йиғилган ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Қарор билан Давлат улуши устувор бўлган табиий монополиялар субъектлари, корхоналар ва ташкилотларнинг электрон харидлари бўйича Хукумат комиссияси тўғрисидаги низоми тасдиқланди ҳамда янги ташкил этилган махсус комиссиянинг вазифа, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди. Хусусан, қуйидагилар Хукумат комиссиясининг

асосий вазифалари ҳисобланади:

- электрон харидлар жараёнига халқаро нормалар ва стандартларни жорий этишга

қўмаклашиш;

- Товар биржасида ўтказиладиган электрон савдоларда давлат улуши устувор бўлган табиий монополия субъектлари, корхоналар ва ташкилотлар томонидан харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар гуруҳи рўйхатини белгилаш;

- электрон харидлар жараёнига кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини янада фаол ва кенг қўламда жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- электрон харидларни амалга оширишда ошқоралиқни таъминлаш юзасидан доимий мониторингни олиб бориш, ракобатни ривожлантиришни рағбатлантириш ва мазкур соҳада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва

ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хукумат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Давлат қўмитасига Товар биржаси билан биргаликда жорий йилнинг 1 майгача онлайн тартибда электрон корпоратив харидларни амалга ошириш учун алоҳида савдо майдончаси тўлатўқис фаолият юритишини таъминлаш ҳамда тadbиркорлик субъектлари эътиборига, ташкил этилган савдо майдончасидаги электрон савдоларда иштирок этиш қоидаларини, жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали маълумот учун етказиш вазифаси юклатилди.

Эслашиб ўтамиз, Президентнинг 2011 йил 7 февралдаги "Давлат харидлари тизimini мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида"ги 1475-қарорига мувофиқ, Товар биржасида давлат харидлари жараёнида қатнашаётган ташкилотларни аккредитация қилиш бепул амалга оширилади. Товар биржасининг давлат харидлари бўйича биржа савдоси суммасининг 0,05 фоизи миқдорда сақлаб қолиниди. Етказиб берувчиларнинг бай пули (закалат) миқдори эса энди Молия вазирлиги Фазначилиги ҳузурдаги Давлат харидлари бўйича (илгари савдога чиқарилаётган товар, иш, хизматларнинг бошлангич нархидан 3 фоиз миқдорда белгиланган эди) ҳукумат комиссияси томонидан белгиланади.

Жамолддин СУЛТОНОВ

Особо отмечена

важность дальнейшего внедрения ИКТ и развития интерактивных государственных услуг

23 апреля 2013 года состоялось заседание Кабинета Министров, посвященное итогам социально-экономического развития страны за первый квартал текущего года и оценке хода реализации важнейших направлений и приоритетов экономической программы на 2013 год, определенных Президентом Республики Узбекистан Исламом Каримовым на заседании правительства страны 18 января текущего года.

В ходе заседания был заслушан отчет председателя Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан по принимаемым мерам эффективной организации деятельности специальных подразделений министерств, ведомств, хозяйственных объединений и крупных предприятий по внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий, прежде всего за счет формирования ведомственных информационных ресурсов и баз данных, организации межведомственного обмена и оказания интерактивных государственных услуг и развития интернет-сайтов.

Руководителям комплексов Кабинета Министров поручено взять под особый контроль ход разработки и реализации комплексной программы формирования системы "Электронное правительство", внедрения электронных форм оказания интерактивных государственных услуг субъектам предпринимательства и населению.

Внимание руководителей министерств, ведомств, хозяйственных объединений, крупных предприятий, Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей, районов и городов обращено на необходимость расширения масштабов и повышения уровня внедрения в их деятельность современных информационно-коммуникационных технологий, прежде всего, формирования современных ведомственных информационных ресурсов и баз данных, организации качественного межведомственного обмена, развития интерактивных государственных услуг.

ccitt.uz

Встреча с представителями компании HUAWEI

22 апреля в Центре UZINFOCOM прошла встреча с представителями компании HUAWEI. Встреча была посвящена построению Центров обработки данных (ЦОД), компания HUAWEI имеет большой опыт в этом направлении.

Делегацию гостей возглавлял директор отдела продаж продукции и решений Решат Болтаев. Были рассмотрены вопросы первого уровня (Level 1), включающие все, связанное с построением ЦОД.

Компания предлагает предварительный консалтинг для выбора оптимальной конфигурации и снижения рисков

при эксплуатации ЦОД. Также предлагается дизайн проекта — компоновка, инфраструктура и сопутствующие службы.

В предложенных гостями роликах были рассмотрены вопросы питания, охлаждения, противопожарные меры, ограничение доступа и мониторинг всех систем ЦОД.

Гости ответили на вопросы по предварительным консультациям и по системам управления ЦОД. Договорились продолжать встречи.

www.uzinfocom.uz

Безлимитный интернет от Ucell

Мобильный оператор Ucell сообщил о запуске новой услуги "Безлимитный интернет", которая позволит абонентам свободно использовать мобильный интернет, не думая о потраченном трафике.

Услуга "Безлимитный интернет" представлена в нескольких пакетах: "Для смартфона", стоимость которого составляет 6.99 долларов сроком на 30 дней; "Для планшета" по цене 8.99 долларов, а также "Для модема" по цене 16.99 долларов на 30 дней без каких-либо дополнительных доплат.

Для выбора необходимого пакета наберите *600# и вызов.

— За мобильным интернетом — будущее, мы уделяем этому направлению особое внимание, инвестируем средства в развитие сетей третьего поколения 3G, чтобы предоставить нашим абонентам самые инновационные технологии передачи данных", — комментирует Хикматулла Насритдинходжаев, директор департамента маркетинга Ucell.

Услуга "Безлимитный интернет" назначается автоматически каждые 30 дней со дня активации и доступна абонентам Ucell системы предоплатного обслуживания (Pre-paid).

Объявление!

В Государственный комитет связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан требуется специалист по связям с общественностью.

ОБЯЗАННОСТИ:

Повышение осведомленности населения о ходе развития ИКТ, внедрении "Электронного правительства" и интерактивных государственных услуг.

Подробное объяснение "простым языком" преимуществ внедрения ИКТ обычному гражданину и предпринимателю через СМИ.

Взаимодействие со специализированными подразделениями по внедрению ИКТ госорганов для подготовки аналитических передач и статей с подробной информацией о реализуемых и планируемых информационных системах, а также ожидаемых результатах от их внедрения юридическим и физическим лицам.

Формирование информационного потока о деятельности Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан (далее — Комитет) и других госорганов в сфере внедрения ИКТ в СМИ и соцмедиа.

Формирование пула журналистов (из числа представителей изданий, интересующихся сферой связи, информатизации и телекоммуникационных технологий) и обеспечение постоянного информационного взаимодействия с ними. Взаимодействие с журналистами региональных и специализированных СМИ и пресс-службами органов власти регионов.

Проведение информационно-консультационной работы с целевыми аудиториями, включая подготовку оперативных ответов на запросы о деятельности Комитета.

Организация пресс-мероприятий и специальных проектов (пресс-конференций, приемов и встреч с участием журналистов), разработка информационных материалов для проведения специальных проектов;

Подготовка информационных материалов при участии представителей Комитета в публичных мероприятиях (конференции, семинары, круглые столы и пр.).

Осуществление планирования PR-кампаний, включающих Неделю ИКТ, выставки, презентации, конференции, деловые встречи, круглые столы, дни открытых дверей, и прогнозирование их эффективности.

Оперативное размещение информационных материалов на отраслевых интернет-ресурсах и СМИ.

Координация деятельности PR-специалистов и контент-менеджеров отраслевых предприятий и организаций.

ТРЕБОВАНИЯ:

Образование — высшее (предпочтительно в сфере ИКТ или журналистики).

Опыт работы — не менее 3 лет в сфере связи и информационных технологий либо в сфере СМИ и связей с общественностью. Приветствуется опыт по организации специальных передач на телевидении и/или радио.

Отличные навыки выступления перед камерой и аудиторией.

Знание основ журналистского мастерства.

Обязательное знание организации деятельности пресс-службы, законодательства Республики Узбекистан в области СМИ, основ коммуникационных технологий, взаимодействия со СМИ.

ПК — опытный пользователь, знание современных интернет-технологий и соцмедиа.

Свободное владение узбекским обязательно. Знание иностранных языков приветствуется.

Заинтересованным кандидатам необходимо представить резюме или справку-объективную с краткой информацией об успешно реализованных мероприятиях и опыте работы в сфере связей с общественностью до 1 мая текущего года в Отдел кадров Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан по адресу:

г. Ташкент, проспект А.Темура, дом 4 или по электронной почте: HR@ccitt.uz.

Телефоны для справок: 238-41-16, 238-41-43, 238-43-12.

Телефоны
для справок:
238-41-16,
238-41-43,
238-43-12.

Хабарлар +tv

ДУШАНБА — 29 АПРЕЛ

УБАБОСТОН

07:00 "Ўзбекистон" теледидаконидаги:
5:55 Қўрсатувлар астури.
6:00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7:00 "Исмон"
7:05 "Қўнғил қўшиқ истади"
7:20 Миллий сериал: "Лола"
8:00 "Ташкилот"
8:40 "Феро", Т/с.
9:40 "Саломатлик астури"
9:55 "Сарой жаҳончир", Т/с.
11:00 "Абборот"
11:10 "Ватанпарвар"
11:55 "Исмон"
12:00 "Ассалом, Ўзбекистон"
12:50 "Қўнғил қўшиқ истади"
13:05 "Комиссар Рес", Т/с.
13:50 "Тўлзар жонбаши"
14:00 "Абборот"
14:15 "Хозир сени"
14:35 "Исмон"
14:40 "Абдулҳамид ҳамбарот", Т/с.
15:30 Жаҳон нуридаги қизиласида: Ж. Верн.
"Симон Беканетер", 1-қисм.
16:30 "Пародид астури"
17:00 "Абборот"
17:10 "Стилард ва сират"
17:25 "Шофюр"
17:30 "Эркин фикр"
17:40 "Эпикастар - яқиндагина етказар"
18:00 "Қўнғил қўшиқ истади"
18:15 "Юрган - адр"
18:35 "ТВ - шофюр"
18:40 "Комиссар Рес", Т/с.
19:25, 20:00, 20:55 Эъланлар.
19:30 "Абборот", дус/
20:05 "Навий буюнида"
20:10 "Меҳмонона кўрғини", Т/с.
21:00 "Абборот"
21:40 "Мунобат"
22:20 "Қўнғил қўшиқ истади"
22:35 "Сарой жаҳончир", Т/с.
23:30 "Исмон"
23:55 - 00:00 "Замин паройиботлари", Х/ф.
00:00 Қўрсатувлар астури.
00:05 "Саломатлик астури"
00:20 "Исмон"
00:25 "Юрган бўйлаб" астури: "Фусунор қандаш"
00:57 "Шарқ тароналари"
1:00 "Абборот", дус/
1:30 "ТелеТеп" "Орбон", 1-қисм.
2:15 "Ватанпарвар"
2:55 "Исмон"
3:00 "Тўлзар жонбаши"
3:10 "Ассалом, Ўзбекистон"
4:00 "Абборот"
4:40 Миллий сериал: "Лола"
5:10 "Юрган адр"
5:30 "Навий буюнида"
5:35 - 5:55 "Ўзбекистон - табиат".

19:00 "Дар"
19:30 "Абдулҳамид", Т/с.
20:20 "You'lla-FM"
20:30 "Эркинлик болжонлар"
21:10 "Аскар", Т/с.
22:00 "Дар"
22:30 "Қирол Артур", Б/ф.
00:30 "Ташкилот"
00:50 "Илҳом қирати"
1:30 Миллий сериал: "Хўнган"
2:00 "Дар"
2:30 "Муҳаббатим дим"
3:00 "Аббос ва қират"
3:20 "Қаломбо", Т/с.
4:05 "Илҳом қирати"
4:30 "Арсур", Т/с.
5:20-6:00 "Панаша".

СЎНГА

6:00 "Малри"
6:05 Қўрсатувлар тартиби.
6:10 "Ҳақо гушани"
6:20 "Ҳақо-чапон", Т/с. 47-қисм.
7:00 "Салом, Тошкент"
8:00 Тошкент тароналари.
8:15 "Донлар буюнида"
8:20 "Интеллектуал астури"
8:30 "Тошкент"
8:50 "Саргуштлар ороли"
9:15 "Қазир оролистани қонирти"
9:30 "Тошкент"
9:45 "Музоқач урун манли"
10:15 "Интервью"
10:25 "Уштар"
10:30 "Тошкент", дус тилла/
10:45 "Алоат нуқсон"
11:00 "Беконит ур", Б/ф.
11:00 "Салом, Тошкент"
14:00 "Дура", тасаввурлар.
14:55 "Бизнес-пойлат"
15:00 "Тошкент"
15:15 "Нейроинтер", Т/с. 10-қисм.
19:15 "Мастабла бир зум"
19:55 "Тўнж нуқсон"
16:30 "Эко-пойлат"
8:00 Тошкент тароналари.
16:45 Музоқачлар: Ақа-уқа Гримм артастари. 23-қисм.
17:10 "Келгин менинг дустари"
17:25 "Мисли ганди"
17:40 "Милрифт фидойилари"
18:00 "Тошкент"
18:20 "Интеллектуал астури"
18:30 Миллий сериал: "Ҳақо уштарани соғин"
24-қисм.
19:05 "Интервью"
19:15 "Карвонсар"
19:25 Тошкент тароналари.
19:40 "Теле-маркет"
20:00 "Тошкент"
20:25 "Тошкент одамлари"
20:50 "Уштар"
20:55 "Эпикаста"
21:15 Тошкент тароналари.
21:30 "Теле-маркет"
21:50 "Денги қуқарми", Т/с. 101-қисм.
22:30 "Тошкент", дус тилла/
22:50 "Эко-пойлат", дус тилла/
23:00 "Кино SMS", дус тилла/
23:05 Дав мира, Х/ф.
00:45 Қўрсатувлар тартиби.
7:10 "Милрифт мақоли"
1:20 Нежақонияна жия, Х/ф.
3:00 "Уштар"
3:05 "Қалп", Б/ф.
3:00-6:00 "Салом, Тошкент"

СПОРТ

6:00 "Хабарлар онли"
6:05 Қўрсатувлар тартиби.
6:10 "Саломат бунинг"
6:35 "Жасур бозари"
7:10 "Милрифт мақоли"
7:25 Бозари майдончаси:
Танги оловчоси.
Мушфилима.
8:00 ХАБАРЛАР

8:40 "Саломат бунинг"
9:00 Футбол. Англия чемпионати. "Арсенал" - "Манчестер Юнайтед".
10:45 "Муҳаббатим, спорт"
11:15 Футбол. Италия чемпионати. "Милан" - "Кальяри"
12:35 Рақамлар, нитоклар, реинтлар.
13:00 ХАБАРЛАР.
13:10 Бозари майдончаси:
"Спортоғани"
Мушфилима.
13:40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
15:00 Теннис. АТР/WTA турнири.
16:15 ИнттерФутбол.
17:55 Қўрсатувлар тартиби.
18:00 Бозари майдончаси:
"Спортоғани"
Мушфилима.
18:30 ХАБАРЛАР.
18:50 "Саломатлик ризишти"
18:55 Теннис қирати. Жаҳон чемпионати.
19:45 "Стиль билан". Теннис-тур.
20:35 "Спорт-маркет"
20:45 "Футбол шаро"
21:30 ХАБАРЛАР.
21:55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23:40 "Сенимиз манжулатур". Художатни фильми.
23:55 Футбол. УЕФА кубоги.
1:00 ХАБАРЛАР.
1:25 ИНТЕРФУТБОЛ.
3:10 Антиспорт. Жаҳон чемпионати.
4:05 "Каломбо покеро"
4:40 - 5:50 Теннис АТР / WTA турнири.

07:00 08:10 10:30 13:25 15:10 18:30 19:40
20:35 00:00 04:00-05:00 "TVM" каналлари
08:00 "Prime time"
09:40 "TV" "В поле зрения"
11:30 "Меҳмонлик қалмак"
15:00 "Prime time"
18:00 "Премьер"
18:40 "TV" "Мураббит номин исм"
19:40 "Prime time"
20:00 "Топ-10"
21:10 "TV" "В поле зрения"
23:00 ВОССТАНИЕ ПЛАНЕТЫ
ОБЪЕДИНЕНН" художатни фильми.
02:00 Фестивальное кино. "За пригрозно доллар"

04:00 06:05 "Доброе утро"
08:00, 11:00, 14:00, 02:00 Новости
09:05 "Жизь аэропорт"
10:05 Миллий гитворлар
11:15 Контроллинг астури
14:00 "Время обещати"
12:10 "Доброе утро астури"
13:05 "Другие новости"
13:25, 17:40 "Понят. Простей."
14:35 "TV" "Городской центр"
15:25 "Юна еше не поазно"
16:05 "TV" "Показ на радио"
17:00 Вечерние новости
18:05 "Дави покеро"
19:00 "Тутей гитвор"
20:00 "Время"
20:30, 02:05 "TV" "Красавица"
22:15 "TV" "Победный ветер, ясный день"
00:00 Ночные новости
00:15 Х/ф "Финля 2"

РОССИЯ 1

04:00 Утро России
08:00 "1000 мелли"
08:45 "O" самым глянцем"
09:30 "Куклы и партия"
10:00, 13:00, 16:00, 19:00 Вести-Москва
10:30, 13:30, 16:30, 18:40 Вести-Москва
10:50 Т/с: "Тайны следствия"
11:50 "Плево Х. Следствие продолжается"
12:50, 15:35 Вести. Девушка чья
13:50 "Жуки тайны. Времена года"
14:35 Т/с: "Тайны института благородных девиц"
16:50 Т/с: "Семейный детектив"
19:30 Спокойной ночи, малыши!

19:40 "Прямой эфир"
20:25 Комедия "Раи, дай! Люблю тебя"
00:15 "Давида"
00:50 "Большинство твизли. Крутым глянцем"
01:05 Вести +
01:30 Х/ф "Чья это жизнь, в конце концов"

НТВ

05:00 "НТВ утром"
07:10 Т/с: "Возвращение Мухомор"
09:00 12:00 15:00 18:00 Сегодня.
09:20 14:30 17:30 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
09:50 "До суда"
10:55 Суд приговори.
12:25 "Суд приговори. Окончательный вердикт"
13:35 "Танкистская Россия: Тамбовская область. Оборонити район с нами"
15:25 "Покоренная провинция"
16:40 "Товарищ и поклявшийся"
18:30 Т/с: "Лесник"
20:25 Детектив "Чужой район-2"
22:15 "Сегодня. Итоги"
22:35 Х/ф "Мой дом - моя крепость"
00:30 Документальный цикл "Наш космос"
01:10 "Дави мир"
02:00 Т/с: "Закон и порядок"

РОССИЯ 2

06:00 "Все включено"
06:50 "Моя планета"
07:35 "В мире животных"
08:05 10:00 17:45 Вести-Спорт
08:15 "Моя раба"
08:45 "Все включено"
09:40 12:40 ВЕСТИ.ИТ
10:10 Жан-Клод Ван Даме в фильме "Бой на выживание"
12:10 14:00 20. Эксперименты. Вертолети
